

**Elim deb, yurtim deb уониб yashash kerak!**

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlari ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2013-yil 12-oktabr, shanba  
№ 79 (15717)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛАТВИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан 2013 йил 16-17 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Латвияда бўлади.

Украшувлар ва музокаралар чоғида Латвия раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш масалалари, долзарб миңтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, сиёсий, савдо-инвестиция, транспорт-коммуникация соҳалари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор хужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН-ЛАТВИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи бошланади.

Ўзаро ҳурмат, тенг ҳукуклилик ва бирбирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари кўп йиллардан бери Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикасини боғлаб келади.

Латвия Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 22 октябрда тан олган. Кисқа муддат ўтгач, яъни 1992 йил 3 ноябрь куни мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди — бу билан узоқ муддатли икки томонлама ҳамкорлик ривожланишига замин қўйилди.

Олий даражадаги сиёсий мулоқотлар Ўзбекистон ва Латвия муносабатларида мунтазам тус олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 ва 2004 йиллари Латвияга давлат ташрифлари икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеалар бўлиб қолгани баробарида кўп қиррали Ўзбекистон — Латвия шериклигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга кўмаклашди. Ўз навбатида, Латвия президентлари Гунтис Ульманис ва Валдис Затлерс ҳам 1996 ҳамда 2008 йиллари Ўзбекистонга келган эдилар.

Турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни тартибга соладиган 30 дан зиёд хужжат икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий заминини ташкил этади.

(Давоми 3-бетда)



5-бетга қаранг

Сардор Мулажонов фотоколажи

## Ёшлиар бандлиги доимий эътиборда



2013-yil — Obod turmush yili

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлашнинг мақсадли дастурлари изчиллик билан амалга оширилаётгани иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини, турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёшлиаримизнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳаётга, меҳнатга тўғри муносабатини шакллантиришга хизмат қўлмоқда.

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасидан маълум қилишларича, 2012-2013 ўкув юлида пойтахтида мутахассислик бўйича 36719 нафар ўкувчи битирган. «Обод турмуш юли» давлат дастури ва Президентимиз Ислом Каримов-

нинг 2012 ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иктисадий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 ҳилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишинланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруzasida белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан қатор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётir.

(Давоми 2-бетда)

# Hududlardan mujdalar

**Нукус шаҳридаги 4-мактабда «Узлуксиз экологик тарбия – барчамизинг вазифамиз» мавзууда давра сұхбати үтказилди.**

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қорақалпогистон Республикаси ҳудудий бўлими ҳамкорлигига ташкил этилган тадбирда шаҳардаги 4-, 34- ҳамда 1-мактаб ўқувчиларининг экологияни асрар-авайлашга бағишиланган суратлари ҳамда саҳна кўришилари намойиш этилди. Шунингдек, «Узлуксиз экологик таълим-тарбия – барқарор ривожланиш гаровидир», «Соғлом турмуш тарзини таъминлашда экологиянинг роли ва ўрни», «Табиат инъомларини асрайлар» мавзууда маърузалар тингланди.

\*\*\*

**Нукус мелиорация ва сув хўжалиги касб-хунар коллежида «Ораста қизлар» кўрик-тандловининг Қорақалпогистон Республикаси босқичи бўлиб үтди.**

Унда барча туман ва шаҳарлардаги академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларидан 103 нафар қиз ўзаро беллашди. Шартларни айло бажарган энг чакқон ва зукко қизлар тандловининг республика босқичига йўлланма олди.

**Самарқандда октябрь ойидан барча шаҳар ва туманларда интернет ва компьютер ўйинлари хизматларини кўрсатувчи хўжалик субъектларининг фаолиятини тартибга солиш юзасидан рейдлар үтказилмоқда.**

Тадбирлар чоғида жойларда ноконуни фаолият олиб бораётган интернет марказлари аниқланиб, уларга тегишили чоралар кучайтирилмоқда. Рейдлар үтказиш жараёнида аҳоли орасида миллий ва дунё сегментидаги интернет ресурсларининг жозибадорлиги ва сифатини ўрганишга қаратилган объектив мониторинг ва ижтимоий сўровлар үтказилмоқда. Шунингдек, Ҳаракатнинг Самарқанд вилояти кенгаши томонидан мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасалари ўқувчи-талабаларининг ота-оналарини огоҳ этиш мақсадида зўравонлик, ахлоқсизлик, шафқатсизликни тарғиб этувчи фильмлар, компьютер ўйинларининг ёш авлод онгига салбий таъсири тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

# Ёшлиар бандлиги доимий эътиборда

(Давоми, боши 1-бетда)

— Хозиргача касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшлардан 15311 нафарининг бандлиги таъминланди. Уларнинг ўн уч ярим минг нафардан зиёди ишга жойлашган бўлса, 1779 нафар битирувчи олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилинди, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўйим бошлиғи Ширинбек Тўйчибоев. — Шунингдек, касб-хунар коллежларининг ишга жойлашиш жараёнида бўлган 17833 нафар битирувчисининг бандлигини таъминлаш юзасидан ишлар давом этирилмоқда.

Шу билан бирга, академик лицейларнинг 8963 нафар битирувчисидан 5915 нафарининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 3796 нафари олий таълим муассасаларига ўқишига кирди, 658 нафари ишга жойлашиди.

Ёшларнинг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Тижорат банклари мутахассислари иштирокида жойларда семинарлар ўтказилиб, уларга режа тузишдан бизнесни юритишгача бўлган барча жараёнларда иқтисодий, ҳукукий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда, зарур миқдорда сармоя ажратилмоқда. Натижада шу кунгача 13 нафар битируvчининг бизнес лойиҳасига тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ажратилди.

Тошкент иқтисодиёт ва бизнес кол-

ледида шу кунларда 1500 нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олмоқда. Коллежда барча жиҳозлар билан таъминланган маҳсус фан хоналари, замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган компьютер хоналари, спорт зали, ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида. Фанлар бўйича тўғракларнинг ташкил этилиши ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини юксалтиришга кўмаклашмоқда.

Жорий йил мазкур коллежни молия, банк иши мутахассислиги, солик ва соликга тортиш, бухгалтерия ҳисоби, ҳўжалик масалалари ҳуқуқшуноси йўналишларида таҳсил олган 562 нафар ўқувчи таъминлади. Бугунги кунда коллежни битирган ёшларнинг 236 нафари иш билан таъминланган бўлса, 42 нафар ийт-қиз олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилинди.

— Катта ҳаётга қадам кўяётган ҳар бир ёшнинг дунёқараши қандай шаклланиши, касб-хунар маҳорати, давлат ва жамият олдиаги масъулиятини ҳис этиши буғунги таълим-тарбияга, уларга кўрсатилаётган эътибор ва фамхурлика боғлиқ, — дейди коллеж директори Пўлатхўжа Йўлдошев. — Таълим соҳасида ижтимоий шериклики ривожлантириш амалиётининг кенг татбиқ этилаётгани таълим-тарбия жараёнидаги ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш ва бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур колледжа ўқувчилар амалиётини сифатли ташкил этиш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида «Кафолат» давлат акциядорлик сугурта компанияси, «Дойче кабель» қўшма корхонаси, «Махсусэнергоз» очиқ акциядорлик жамияти, «Нефтьтаъминот» масъулияти чекланган жамияти, «Энергометаллимпекс» корхонаси сингари қатор ташкилот ва корхоналар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқин ҳамкорлик йўлга кўйилган.

Таълим ва амалиётнинг ўзвий олиб борилаётгани замонавий билим ва ишлаб чиқариш кўнинмасига эга ёш мутахассислар сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда. «Коллеж – корхона» тизими асосида ёшларнинг иш билан таъминланётгани ҳам корхона, ҳам коллеж, ҳам ўқувчи учун фойдалари бўлаёттир.

Масалан, пойтахтимизда парфюмерия маҳсулотлари, косметика ва гигиеник воситалар улгуржи савдоси билан шуғулланувчи «Dicom servis» масъулияти чекланган жамиятида колледжнинг тўрт нафар битирувчиси фаолият юритмоқда. Улар муносаб мөхнат шароити ва иш ҳақи билан таъминлангани ёшларнинг куч-ғайрати, шижаоти ва ишга бўлган масъулиятини ошириша хизмат қилмоқда.

— Дўстларим билан ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўтаган эдим, — дейди Мирсадик Султонов. — Коллежни битириб, мөхнат шафолиятимни давом этирияпман. Ишимдан, оиласга нағим тегаётганидан мамнунман. Кела-жақда олий ўкув юритида таҳсил олиш нијатидаман.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,  
ЎЗА мухбири**

Mening fikrim

# Ахборот педагогикаси ахборот хуружларига қарши

**Ахборот деган тушунчанинг мазмунини очиш учун мутахассислар томонидан жуда кўплаб таърифлар берилган. Уларнинг фикрларига таяниб, ён-атрофимизда ёки олиса содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, газета ва телевидение хабарлари, телефон мулоқоти, бизнинг онгимиз қабул қилаётган маълумотлар, хуласа, биз билмаган барча нарсалар ҳақидаги маълумотларни ахборот дейишимиз мумкин. Ахборотни тарқатувчи воситаларнинг, яъни ахборот технологияларининг ривожи туфайли XXI аср инсоният тараққиётида ахборот ва интернет асри деяном олди. Биз, ёшлар шундай асрда яшаб, ахборот майдонида шиддатли ўзарилар ва курашларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.**

Ахборотнинг биз, ёшлар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапирадар эканмиз, аввало, Юртошимиш Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида баён этилган ахборот ҳақидаги бир фикрини келтирмоқчиман. Асарда шундай дейилади: «Буғунги кунда ёшларимиз нафакат ўкув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фикрни ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди».

Ахборот излашга қизиқишига ахборот асри ҳам сабабчи бўляяпти. Биз, ёшлар кўпроқ ахборотга эга бўлиши

миз учун мамлакатимизда ёшларга Ziyonet ахборот тармоғи яратилганлигидан, ахборот-ресурс марказлари, ёшларнинг газета ва журнallari борлиги имкониятидан фойдаланамиз.

Мамлакатимиз ахборот майдони очик бўлгани боис, ахборот майдонимизга хориждан ахборот оқими келишининг имкониятлари ҳам мавжуд. Интернэтда ахборот чексиз-чегарасиз. Бунда янгиликлар, воқеалар ҳақида хабарлар, фанлар бўйича ёзма ишлар, рефератлар, айтишимиз мумкинки, керакли бўлган маърифий ахборотлар кўп, бу яхши. Бирок ахборот майдонида доимо шундайми, деган ўринли савол бўлиши мумкин.

Биз, ёшлар, ўсмирлар ва болалар хурматли ёши каталар билан бир дунёда яшаймиз, ҳаммамизни битта ахборот майдони ўраб туради. Ва бу ахборот майдонида кўпроқ маърифий ахборотлар тарқалса-да, ёвуз кучлар томонидан

ёшлар онги ва қалбини эгалаш учун гоҳида очик, гоҳ пинхона чалғитувчи ёзишмалар, хабарлар, бузғунчи ва вайронкор ахборотлар ҳам тарқалётгани ташвиши ҳолдир.

Бир дунёда яшамоқда эканмиз, оқ нарсани корадан, дўстни душмандан, илмли кишини илмиздан ахрата олишимиз, эндиликда эса, яхши билан ёмон ахборотларнинг фарқига боришимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Инсон соғлиғи ва ҳаётига зарар келтириши мумкин бўладиган нарсалардан қоидаларга риоя қилиб тўғри фойдаланиши уйимизда ота-онализм ўргатади. Айтайлик, электр токидан. Болалигимизда ўчиргичлар ва розеткалардан фойдаланиши ўргатишган, токдан эҳтиёт бўлишимизни ҳақида огохлантиришган. Ток урса, бир нафар боланинг соғлиғига зарар етказиши мумкин. Ёмон ахборотлар тарқалса, минглаб ёшларнинг соғлиғи ва маънавий камолотига зарар келтира олади.

Ахборот майдонида ахборот дарё каби оқимга эга. Курашлар кечакётган жойларда эса қарама-қарши оқимлар ҳам бор. Шундай оқимларда тарқалётгани ахборот билан ишлай олишимиз, яхши билан ёмон ахборотларнинг фарқига боришимиз, ахборотнинг қайси бири маърифий, қайси бири бузғунчи ва вайронкор ахборот эканлигини мустақил равишда фарқлаши мозимиз. Ахборот оқимида келаётган чалғитувчи, асоси йўқ, бизнинг тинчлигимизга, юртимиз равнақига қарши қаратилган ахборотлар таъсирига тушиб қолмай, керак бўлганда, муносабат билдиришимиз, ҳар қандай шароит

да ҳам қадриятларимизга, оиласига, Ватанимизга содик бўлиб, ўзлигимизни сақлаб қолишимиз учун биз, ўшларга, ўсмир ва болаларга педагогик муносабат керак.

Ахборотнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, буғунги кунда «ахборот жамияти», «ахборот майдони», «ахборот хуружи», «ахборот маданияти», «ахборот маънавияти» ва ахборот билан боғлиқ башқа қатор иборалар пайдо бўлган, уларнинг ўзига хос таърифлари бор, албатта. Шу иборалар қаторига мен «ахборот педагогикаси» деган иборани ҳам кўшган бўлардим. Ва буни шунчаки ибора эмас, ёшлар, ўсмирлар ва болалар учун фан даражасига чиқариш мумкин, деб ҳам хисоблайман. XXI асрни ахборот асри, дер эканмиз, ахборот технологиялари кучли ривож топаётган экан, бу ахборот аҳамиятининг янада ошишига ва навбатдаги асримизда, яъни XXII асрда ҳам ахборот аҳамиятининг пасайшига йўл кўймаса керак.

Ахборот асри воқеилигидан келиб чиқиб, ахборотга оид хукуқларимизни ва бурчларимизни билишимиз, ахборот оқимлари билан юзлашганимизда ахборотни фарқлай олишимиз, ёмон ахборотлардан ўзимизни ҳимоя қила олиш кўнинмаларини шакллантириш мақсадида ёшлар, ўсмирлар ва болалар ўртасида ўкув машгулотлар, тушунтириш ва тарбиявий ишларни ўз ичига олган ахборот педагогикасини яратишмиз керак бўлмоқда, деган фикрдаман.

**Малика СОЛИЕВА,  
Тошкент давлат  
педагогика университети  
2-курс талабаси**

**ЎЗБЕКИСТОН-ЛАТВИЯ:**

# ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми, боши 1-бетда)

Кейинги йиллар давомида парламентлараро алоқалар ҳам фаол ривожланмоқда — мунтазам ташриф алмашувлари амалга оширилмоқда, бирбирининг қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажрибаларини, олиб бориляётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий таъминланишини ўрганиш мақсадида парламент делегацияларининг учрашувлари ўтказилмоқда. 2010 йили Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гурӯхнинг тузилгани Ўзбекистон — Латвия парламентлараро алоқаларининг янада мустаҳкамланишига кўмаклашди. Ўз навбатида, 2012 йилнинг июнида Ўзбекистон парламентида ҳам Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гурӯх тузилди.

Савдо-иқтисодий соҳада ҳам Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда Латвия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг ийрик уч савдо шериги қаторидан жой олган. Давлатларимиз ўртасида ўрнатилган мумкин қадар кўп қулийлик яратиш режими ўзаро товар айирбошлашнинг оғишмай ўсиб боришига кўмаклашмоқдаки, 2012 йили унинг миқдори 240 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди. Ўзбекистон Латвияга юкори сифатли пахта толаси, машина-мотор мойлари, дори-дармон маҳсулотлари ва бошқа товарларни экспорт қиласи. Асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пластмасса, шунинг-

дек, логистика хизматлари эса Латвиядан импортнинг асосини ташкил қиласи.

Бугунги кунда республикамизда латвиялик сармоядорлар иштироқида тузилган 22 та корхона фаолият кўрсатмоқдаки, уларнинг 6 таси 100 фоиз Латвия капитали асосида барпо этилган. Мазкур компанияларнинг фаолияти мебель ишлаб чиқариш, тўқимачилик, нефти қайта ишлаш, қандолатчилик саноати, полиграфия ва савдо-сотик сингари соҳаларни қамраб олган.

Иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Латвия ҳукуматлараро комиссияси иккимамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Мазкур комиссиянинг 2013 йил сентяброда Тошкентда ўтказилган сўнгги йигилиши доирасида Ўзбекистон ва Латвия ишбилиармон доираларининг бизнес форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда иккимамлакат тадбиркорлари иқтисодий салоҳият ва мавжуд имкониятлардан санаатли фойдаланиш юзасидан фикр алмашиб билан бирга узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли битимларни тузиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг кўламлари ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Латвияда ўзбек ҳалқининг ноёб тарихий меросига катта ҳурмат билан қарашади. 2004 йили Ригада машҳур аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкалининг очилиши ўзбек маданиятига нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром-

нинг белгиси бўлди. Бундан ташқари, 2006 йилнинг нояброда Латвия пойтахтида ўзбек ҳалқининг буюк фарзанди Абу Али ибн Сино ҳайкални ҳам қад ростлади.

2004 йил апрелида имзоланган Ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосан, иккимамлакат пойтахтлари ўртасида шериклик алоқалари амал қилмоқда. Шунингдек, Латвия миллий операси ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри ўртасида йўлга қўйилган ижодий алоқаларнинг кўлами изчиллик билан кенгайиб бормоқда. Мунтазам равиша бадиий кўргазмалар ва суратлар кўргазмалари ўтказилмоқда, концертлар ташкил этилмоқда, иккимамлакатнинг фольклор жамоалари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказиладиган турли маданий тадбирларда қатнашмоқдалар. Жумладан, жорий йил 25-30 август кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» IX Халқаро мусиқа фестивалида ҳам латвиялик санъаткорлар иштирок этишли.

Ўзбекистон — Латвия алоқалари ривожланиши барча соҳаларда барқарор ўсуҷчанликка эга эканлиги эътиборга олинадиган бўлса, шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига амалга ошириладиган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлиб қолиши баробарида иккимонлама ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб беради.

«Жаҳон» АА

## Hududlardan mujdalar

**Ҳаракатнинг Учтепа тумани кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Интернет маконининг салбий оқибатлари» мавзуида тадбир ўтказилди.**

Унда талаба-ёшларга мутахассислар томонидан интернет маконининг ижобий ва салбий оқибатлари тўғрисида маълумот берилиб, фикр алмашилди. Тадбирда «Ижтимоий тармоқ — қармоқ эмас» мавзуида видеоролик намойиш этилди.

**Ҳаракатнинг Навоий вилояти кенгашида етакчилар учун ўқув семинар ташкил этилди.**

Унда Навоий шаҳрида «Камалак» сардорларига иш фаолиятида зарур бўладиган билим ва қўнилмалар берилди. Семинар давомида қизиқарли психологик тестлар ва интерфаол ўйинлар ўтказилди.

**Андижон шаҳрида 3-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Янги авлод — 2013» республика болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**

Танловда умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари хамда «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказларидан олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган тўрт юзга яқин ўғил-қиз турли йўналишлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этиди.

Танлов якунида етмиш нафар энг яхши деб топилган иқтидор эгаси танловнинг вилоят босқичида қатнашадиган бўлди.

**Кизириқ тумани педагогика коллежида «Тинчлик учун курашмоқ керак!» мавзуида давра сұхбати бўлиб ўтди.**

Унда колледж ўқитувчи ва ўқувчилари хамда маҳалла ўшлари иштирок этиди. Тадбирда Ватанимиз тинчлигини асраба айвайлаш, унинг қадрига етиш ҳақида гапирилди. Тадбир давомида диний экстремизм ва терроризмнинг аячли оқибатлари ҳақидаги фильм намойиш этилди.

## Касб ва маҳорат масканидаги

Қуролли Кучларимиз сафига интеллектуал салоҳиятли, жасур ёшларни тарбиялаб беришдек масъулиятли вазифани зиммасига олган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти Янгиқўрон тумани кенгашининг фаолиятига яқинда ўттиз йил тўлади. Бу айтишгагина осон: аслида, ўттиз йиллик фаолият замирида не-не фидойиликлар, чин меҳнатга хос машақатлар ётиди. Кенгаши раиси Алижон Тожибоев эса ўтган даврнинг ҳар бир сониясини шу жамоада ўтказгани, ўз ҳаётини ёшларга бахшида этиб, энг яқин устоз, жонкуяр раҳбар сифатида танилгани ҳар қанча эътирофу таҳсинга лойик.

— Ҳаётимни ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли ишга бағишилаётганимдан баҳтиёрман, — дейди Алижон Тожибоев. — Жамоамизнинг малакали мураббий ва ўқитувчилари кўмагидага ёшлар муддатли ҳарбий хизматга доир барча сабоқларни олмоқда. Таълим даргоҳимиздан бориб, ўз бурчини ўтаетган кўплаб ёшларимизнинг хизматига ижобий баҳо берилаётгани эса бизга ҳақли равища ифтихор баҳш этади, янада янги мэрралар сари илҳомлантиради.

Кенгаши тасарруфидаги ўқув-спорт, техника клуби, асосан, армиямиз сафларига, шунингдек, ҳалқ ҳўжалиги учун ҳайдовчилар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Техника клубида «В», «ВС» ва «В» тоифадан «С» тоифага қайта тайёрлаш ўқув гурӯҳлари мавжуд бўлиб, ҳайдовчиликка номзодлар замонавий, низом талаблари асосида жиҳозланган қуай ўқув хоналарида таҳсил олишиди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, амалий машғулотларни сифатли олиб

бориши мақсадида ўқув-машқ автомобиллари замонавий ҳамда тежамкор, қуай, юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар билан таъминланмоқда. Шу мақсадда ўқув моддий-техника базасини янада яхшилаш мақсадида автотест билан жиҳозланган тўртта компютер жамланмаси, саккизта замонавий автомобиль сотиб олинди.

Туманда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш мақсадида клуб негизида олтита секция, бошлангич ташкилотларда эса олтита тўғарак мунтазам ишлаб турибди. «Ёзги биатлон», «Хаво қуролидан отиш», «Мотоспорт», «Картинг», «Ҳарбий амалий кўпкураш», «Лайлак ва варрак» сингари секцияларда 73 нафардан ортиқ спортчилар шуғулланышмоқда. Уларнинг ўн бир нафари қизлардир.

Жамоада ёшларни фақатгина ҳайдовчиликка тайёрлаш билан чекланиб қолмай, уларнинг фаоллигини ошириш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасидаги ишлар

ҳам ўз вақтида амалга оширилади. Бу ерда, айниқса, «Устоз-шогирд» анъанаси йўлга қўйилгани, ёш мураббийлар ҳамиша тажрибали устозларининг кўмаги ва қаноти остида фаолият юритаётгани ибратга лойик.

— Ҳамкор ташкилотлар билан спортнинг техник ва амалий турлари бўйича йигирматадан зиёд мусобака ўтказдик, — дейди Алижон Тожибоев. — Кенгашимиз миллий қадриятларимиз ва одатларимизни унутмаган ҳолда ногирон, кам таъминланганларга доимо меҳр-муруват кўрсатиб келади. Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш кунида ногиронлар аравачасини сотиб олишга 300 минг сўмлик ҳомийлик ёрдамини кўрсатдик, ходимларнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатини уюштиридик. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида худудимиздаги болалар боғчасига 250 минг сўмлик турли ўйинчоқлар олиб бердик.

Кенгаши вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларда бир неча маротаба фахрли ўринларни кўлга киритиб келмоқда. Масалан, 2007, 2009 — 2012 йилларда мазкур жамоа республика миқёсида ўтказилган «Энг илгор туман кенгаши» номинациясида биринчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, Обод турмуш йилида «Автомобиль кўпкураши» танлови бўйича ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари ўртасидаги вилоят мусобакасида учинчи ўринни қўлга киритди.

Дилбар АСҚАРОВА,  
«Turkiston» мұхбири

СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

НАВОЙИ ВИЛОЯТИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

# Самимий нигоҳлар даволайди

Бугун юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби маънавият соҳасига юксак эътибор қаратилмоқда, эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, адабиётта, адабиёт аҳлига берилада ётган эътибор кўп қатори ижод аҳлини ҳам мамнун қилмоқда. Ана шундай эзгу ишларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралда қабул қилинган қарорига асосан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида «Ижод» жамоатчилик фонди ташкил этилган эди. Шундан сўнг, биринчи навбатда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси Фонд бошқарувига ўтказилиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилиди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, зарур техникалар билан таъминланди. Ушбу сиҳатоҳ бугунги кунда уюшма аъзоларига намунали тиббий хизмат кўрсатиш йўлида самарали фаолият юритмоқда.

Ёзувчи пишган сут эмган бўлмоғи керак, деган эди устоз шоирлардан бири. Албатта, бу гап негизида ёзувчи шахснинг баркамоллиги мажозий йўсинда талқин этилади.

Унда ёзувчини бирор жойи безовта қўйла, уни даволайдиган шифокор қандай бўлиши керак?.. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасига тиббий кўрикдан ўтиш учун бораётib, негадир ана шу савол хаёлимга келди. Менимча, шифокорлар учун ҳамма инсон бир: улар катта-кини, ёшу қари, демай, ҳамма билан бирдек ширин муомала қила оладилар. Бирок мен учун қизифи, ижодкорлардек нозиктабъ, ҳатто бироз эркаташиб инсонлар билан тиббиёт аҳли қандай муносабатда бўлиши эди...

Пойтахтимиз марказида жойлашган бу мўъжаз бино орасталиги билан диккатни тортади. Сиҳатоҳ ҳовлисига кўрк бериб турган ҳар бир дов-дараҳат ва гулларнинг товланиб туриши уларнинг юксак дид билан парваришланганидан дарак беради. Айниска, бинога кўтарилишда зинанинг икки томонига кўйилган сопол туваклардаги гуллар кўзни кувонтиради.

Оқ мармар зиналардан иккинчи қаватга кўтарилимиз. Ҳамшира йўл-йўлакай соғлиғим билан қизиқади, барча шифокорлар кўригидан ўтишим лозимлигини тушунтиради ва мени биринчи кўринишам лозим бўлган шифокор хонасига бошлайди...

Шифокорнинг жилмайб мумомала қиласиги куриб, тортиганим ортиқча эканини англадим. Асаб касалликлари шифокори Феруза Умарова соғлиғим билан боғлиқ барча саволларни бериб, тиббий ва-

рақага нималарнидир ёзарди.

— Ҳар биримиз иш, уй-рўзгор ташвиши деб асабимизни толиқтириб кўямиз, — деди у резина болгачасини стол устига кўяр экан. — Бу табиий. Лекин унинг чора-си ҳам жуда осон...

Хаёлимдан, доктор ҳозир қалам-қофоз олади-ю, шитирлатиб бир қанча дорини қаторлаштириб ёзиб ташлайди. «Чораси осон» дегани унчалик ҳам қиммат дорилар эмас, дегани бўлса керак, деган фикр ўтди.

— Асабни тинчлантиришингиз учун тўрт-беш кун дам олишингиз кифоя, — деди Феруза Умарова. — Лекин дам олиш факат уйқуга тўйиш ёки уйда мазза қилиб еб-ичиб ўтириш дегани эмас. Ўша кунлар ишдан бутунлай чалфинг. Мияни дам олдиринг. Тоза ҳавода юринг, табиат манзараларидан баҳра олинг. Астойдил истаган одам атрофдаги гўзалликни кўра олади, унутманг...

Шифокор хузуридан кайфиятим кўтарилиб чиқдим. Замонавий дизайнда безатилган кенг ва ёруғ йўлакнинг баҳаволигидан кўнглим яйрайди.

Поликлиникага кирганимдан олган биринчи таассуротим ёлғон бўлмади. Колган мутахассис-шифокорлар кўригидан ҳам ана шундай кўтаринки кайфиятда чиқдим.

Стоматолог Алишер Саидмуродов хонасидан чиқаётib, сиҳатоҳнинг бош шифокори Анвар Ражабов билан учрашиб қолдик. У киши мени ўз хонасига таклиф этди.

— Доктор, бу, сиз ҳам ўзимиздан экан-сиз-да, — дейман шифокор хонасигидаги китоб жавонига ишора қилиб. Жавон турли илмий ва бадиий китоб, газета ва жур-

Kelajakka e'tibor



нал тахламлари билан тўла эди.

— Ҳа, буларни айтаяпсизми, — дэя жилмаяди Анвар Ражабов. — Мен сизга айтсан, энг яхши дори ҳам, энг яхши шифокор ҳам, аслида, китоб! Тўғри, биз, шифокорлар беморларнинг танини даволаймиз, кўп бўлса, уларнинг кўнглини кўтарамиз, яхши сўз айтамиз. Аммо китоб ҳар бир инсоннинг қалбига малҳам, ҳаётига мазмун баҳш этади. Кўп қатори мен ҳам мутолаани яхши кўраман. Бу ана шу қизиқишининг маҳсули.

Анвар аканинг сухбатини тинглаб, бу ергаги шароит билан танишамиз. Шифохонада кўшичча даволаш усуллари жорий ўтиган. Масалан, игна билан ва зулук кўйиб даволаш усуллари. Яна бир янгилик: Ёзувчилар уюшмасининг «Дўрмон» ижод ўйни тиббиёт бўлимида доимий тиббий навбатчилик йўлга кўйилди.

— Шоир ва адиларимиз соғлиғини назорат қилиб бориш энг асосий вазифамиз, — дейди Анвар Ражабов. — Ходимларимиз буни яхши хис этади. Шунингдек, уларга доимий равишда ўқтирамизки, шифокор, аввало, юксак маънавиятли, кенг дунёқарашга эга бўлиши керак.

Телефон кўнғироги сухбатимизни бўлди. Гўшакни олган шифокор қайсиридир ижодкорнинг қон босими ва ҳарорати қандайлигини сўради. Куончаклик билан гапирав экан, қалам билан қофзга нималаридир ёза бошлади.

Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасидан кўнглим кўтарилиб чиқдим.

Даврон РАЖАБ

Навоий вилоятида шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган маҳалла фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик қизгин кечмоқда.

## Навоийда сайловга тайёргарлик қизғин

Вилоятда сайловга тайёргарлик кўриш доирасида ташкил этилаётган тадбирларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмунмоҳияти, сайловда эътибор картиш лозим бўлган масалалар, хусусан, сайловларнинг очик-ошкоралик тамоиллари асосида ўтишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритилмоқда.

— Жорий йилда вилоят бўйича 340 нафар фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 3 минг 300 нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланади, — дейди Ҳалқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси, вилоят Кенгаши депутати Лочин Облоқулов. — Сайловларни вилоятимизда, хусусан, чекка қишлоқ ва овулларда пухта ўтказиш мақсадида айни кунларда қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда шаҳар ва туманлардаги иши гурӯхлар томонидан номзодлар ўғанилиб, уларнинг рўйхати шакллантирилаётir. Хозирда уларнинг рўйхатини сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссиясига тақдим этиш ишлари якунига етказилмоқда.

**Улуғбек АСРОРОВ,**  
«Туркистон-пресс»

# Бақтрияниң антиқа болтаси

Яқинда Термиз давлат университети проректори, тарих фанлари доктори, профессор Шопўлат Шайдуллаев билан суҳбатлашиб қолдик. У киши бизга Бақтрияниң антиқа болтаси ҳақида гапириб берди.

— 1982 йилда АҚШнинг Метрополитен музейига антиқа экспонат олиб келинади. Музей маъмурияти мазкур экспонат — антиқа болтанинг нархини сир тутса-да, унга биратула учта фонд маблағ ажратиб, музей учун сотиб олганлигини билган киши экспонатнинг нархи ҳақида тасаввурга эга бўлади. Мутахассислар ушбу болта Бақтрия болтаси эканини таъкидлашибди ва бу фикрга ҳозирча хеч ким шубҳа билдиригани йўқ. Ҳақиқатан ҳам, кадимги Бақтрия — бугунги юртимиз жанубидан топилган жуда кўп ноёб буюмлар бир за-

монар жаҳондаги кўплаб мамлакатларга тарқалиб кетган. Музейларга тушгани юртимиз тарихини ўрганиш учун хизмат қиласи, албатта. Тушмаганланри-чи? Албатта, бу алоҳида мавзу, — дейди тарихчи олим.

Мазкур Бақтрия болтаси аллақачон Метрополитен музейининг дурдонасига айланган, мингминглаб томошабинларнинг ўтиборини тортиб келаётir.

Болтанинг ясалиш техникиси, тасвирий ифода қадимги Бақтрия санъат мактабига тегишли экани мутахассислар томонидан аниқланган. Болта кумуш ва олтиндан ясалган, икки томонида симметрик жойлашган тасвири мавжуд.

— Тасвирининг марказий сюжетида мускулли, акробат одам бўлиб, у кўша бургут бошли ва бургут панжални қилиб ишланган. Болтада бургут бошли одам ўнг қўли билан шерни бўғаётгани, чап қўли билан эса болта тиғига ғужанак қилиб жойлаштирилган Бухоро охусини ушлаб тургани тасвириланган. Акробат одам танаси, бургут кўринишли бошлари, канотлари, шерга кийдирилган

кийим олтиндан. Шернинг боши аждарҳо — илоннинг бошига ўхшатиб ясалган. Болтанинг куйи қисмida даста ва мих учун тешиксифат мослама ясалган. Мих учун ясалган тешик ҳақиқий санъат асарларига хос равишда акробат одамнинг оёқлари орасига нозиклик билан жойлаштирилган, — дэя берилиб ҳикоя қиласи Шопўлат Шайдуллаев.

Ўқувчидаги бақтрияликлар болтага бунчалик эътибор берган, деган табиий савол туғилиши мумкин. Шуни таъкидлашмоқчимизки, бу сингари «илюхийлаштирилган» болталар Бақтрияниң бронза даври ёдгорликларидан кўплаб топилган. Олимнинг айтишича, Сурхондарёнинг Музработ туманинда Сополлитепа худудидан топилган болтада одам кўзи тасвириланган. Шербоднинг жаҳонга машҳур ёдгорлиги хисобланган, мисдан ясалган болта миттилиги билан, Тиллабулоқ болтаси эса суяқдан ясалгани билан эътиборлидир.

Бақтрияликлар бронза даврида, бундан тўрт минг йил ав-

Tilsimot



вал болтани кашф этган. Шу даврдан бошлаб болта инсоният тарихига кириб яелган. Болтаси бор қабила энг кучли хисобланган. Болта қадимги аждодларнинг ноёб кашфиётлариданdir. Шунинг учун улар

болтага ўзгача қараганлар ва оддий қилиб ясашмаган. Болта бронза даврида душманни енгиш куроли хисобланган.

**Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА,**  
«Turkiston» мухбари

Бу йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошлангич ташкилотлари етакчилари учун ҳар томонлама қувончилий йил бўлмоқда. Улар учун маҳсус ўқув семинарлари ташкил этилгани, етакчилар малакали мутахассислар сабогини олишгани ва шу каби эзгу тадбирлар улар фаолиятида ёрқин саҳифа очганига шубҳа йўқ. Бироқ яқинда яна бир янгилик эшидик. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида ташкил этилган «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси томонидан бошлангич ташкилотлар етакчилари учун маҳсус ўқув-услубий қўлланмалар яратилаётган экан. Бу ҳақда эшидиг-у, тўлиқроқ маълумот олиш, қолаверса, янгилик баҳонасида мазкур таълим муассасаси фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида у ерга ошиқдик.

«Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси ходимларининг маълум килишича, яқинда мазкур таълим муассасасининг илмий-услубий кенгашни йиғилишида бир қатор ана шундай ўқув-услубий қўлланмалар тасдиқланди. Эндилиқда улар нашрдан чиқарилиб, бошлангич ташкилотлар етакчиларига тарқатилади.

Саёҳатчи учун йўл ҳаритаси канчалик зарур бўлса, ушбу қўлланмалар етакчилар фаолияти учун ҳам шунчалик мухими дир. Албатта, бундай қўлланмаларни тайёрлаш ўз-узидан бўлмайди. Қолаверса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида турли соҳа мутахассислари фаолият кўрсатади.

Хозирда «Ўқув-услубий мар-

ва қайта тайёрлаш фаолият турини амалга оширишга руҳсат берувчи лицензияни кўлга киритди. Шунингдек, Ҳаракат тизимларида ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга кўйиладиган талаблар ишлаб чиқилиб, ваколатли ташкилотлар томонидан рўйхатга олинди. Кадрлар малакасини ошириш йўналишида ўн учта ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, тегиши тартибда экспертизадан ўтказилди. Умуман олганда, янги таълим муассасаси ташкил этилиши билан Ҳаракат тизимларидағи кадрлар малакасини оширишнинг ўзига хос норматив базаси шакллантирилди.

Таълим муассасаси ходимлари Ҳаракатнинг ўрта умумтаълим ва ўрта маҳсус, касбхунар таълими муассасалари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошлангич ташкилотлари етакчиларининг худудий ўқув семинарларида тренер ва ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этди. Улар худудий ўқувларда меҳнат жамоаларидағи бошлангич ташкилотлар фаолиятини тартибли олиб боришни таъминлашга мўлжалланган дастuriй мақсад-вазифаларни амалга ошириш бўйича тўплangan тажрибалар асосида янги тасдиқланган БТ низоми, ёшларга оид давлат сиёсати, иж-

ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланмоқда. Яқинда Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш Жамоат фонди гранти асосида Ҳаракатнинг ўрта маҳсус таълим муассасаларидағи бошлангич ташкилотлари етакчилари учун ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилди. Ушбу методик қўлланмада ёшлар билан ишланиши ташкил этишининг ташкилий ва психологик асослари, Ҳаракат бошлангич ташкилотларида ишни ташкил этиш, номенклатура, ташкилий ҳужжатлар ва намунавий тадбирларга оид ҳужжатлардан намуналар ўрин олган. Эндилиқда ушбу қўлланма етакчиларнинг энг яқин кўмакчисига айланади.

— Шунингдек, Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаши мутахассислари билан ҳамкорликда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг корхона, ташкилот ва меҳнат жамоаларидағи бошлангич ташкилотлари етакчилари учун ҳам ўқув-услубий қўлланма тайёрладик, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси директори Дилфуза Шодиева. — Услубий қўлланмаларнинг дастлабки талқини ишлаб чиқилгандан сўнг ушбу соҳаларда фаолият юритаётган йирик бошлангич ташкилотлар етакчилари иштирокида ўтказилган давра сұхбатларида муҳокама қилинди ва уларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Етакчилар билан ўтказилган мулоқотлар жараёнида уларни қизиқтираётган масалалар ва муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Бугунги кунда услубий қўлланмалар экспертилар томонидан кўриб чиқилиб, нашр этириш учун тайёр ҳолга келтирилди.

Хозирда БТ етакчилари учун «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси томонидан янада учта ўқув-услубий қўлланмана тайёрланмоқда. Биргина мактаб, академик лицей ва касбхунар коллежларидағи БТ етакчиларининг ИИБ профилактика рўйхатида турувчи вояга етмаган ёшлар билан ишланиши учун олтита қўлланма ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, етакчи имижи ва интерфаол ўйинлар қўлланмаси ҳам тайёрланяпти.

Марказнинг ахборот-ресурси бўлими томонидан тайёрланана-

«Kamolot» ko'zgusi



## Етакчи учун ўқув ҳаритаси

**«Камолот» ЁИХ қошидаги «Ўқув-услубий марказ»  
нодавлат таълим муассасасида яратилади**

ётган методик қўлланмалар эса Ҳаракат тизимидағи кадрлар малакасини ошириш учун ташкил этилаётган ўқув семинарлари самарадорлигини янада оширмоқда. Шунингдек, бу ерда «Камолот»чиларнинг иш фаолиятига кўмакчи мультимедиа маҳсулотлари яратилмоқда. Ахборот-ресурс марказида услубий таъминот, ўқув технологиялари, тест материаллари, илмий ишланишлар ва бошқа йўналишларга оид базалар шакллантирилб, янгилаётган борилади. Марказда Ҳаракат тизимларидағи илгор тажрибалар, ёшлар таълим-тарбиясига оид бадиий ва ҳужжатли фильмлар ҳамда фото ва видеоархивлар ҳам шакллантирилди. Айни кунларда марказнинг веб-саҳифасини яратиш устида қизғин иш кетапти.

— Марказ кутубхонасидағи адабиётлар, услубий қўлланмалар ва ишланишлар машгулларни сифатли олиб бориш имконини беряпти, — таъкидлайди Дилфуза Шодиева. — Шу кунга қадар кутубхона уч юзга яқин китоблар билан бойиди. Кутубхонанинг маънавият, миллий фоя ва мағкура, бошқарув маданияти, хукуқ, иқтисодиёт, социология, психология ва бошқа йўналишларга оид китоблар билан таъминланishiда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат бошқаруви академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика Миллий фоя ва мағкура илмий-амалий маркази катта ёрдам берди. Уларнинг сафини янада қенгайтириш учун «Шарқ», «Ўзбекистон», Faufur Fulom номидаги нашриёт матбаа уйи, «Адолат», «Янги аср авлоди» сингари йирик нашриётлар билан олтмишномадаги китобларни харид қилиш учун шартномалар имзоланди.

Марказнинг илмий-методик кенгашида «Камолот» ЁИХнинг кўп ийлилк тажрибали мутахассислари, депутатлар ҳамда фаолияти бевосита ёшлар билан боғлиқ соҳа вакиллари ўз таклиф ва тавсиялари билан қатнашиб келаяпти. Бундай тавсиялар «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасасининг мухим ўқувлари, семинар ва методик ўқув-услубий қўлланмаларини тайёрлашида катта ёрдам беради.

**Рустам ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбари.**

**Сардор Муллахонов  
олган суратлар**



**«Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси ходимларининг маълум қилишича, яқинда мазкур таълим муассасасининг илмий-услубий кенгашни йиғилишида бир қатор ана шундай ўқув-услубий қўлланмалар тасдиқланади. Эндилиқда улар нашрдан чиқарилиб, бошлангич ташкилотлар етакчиларига тарқатилади.**

«Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси ходимлари томонидан ишлаш кўнижмасини ошириш, уларни ўқув-услубий марказни тасдиқланади. Бу йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилганда, уларни ўқув-услубий марказни тасдиқланади. Бу йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилганда, уларни ўқув-услубий марказни тасдиқланади.

Хар қандай ўқув жараёнини режа ва дастурларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қолаверса, таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишда асос бўладиган норматив ҳужжатлар ҳам фаолияти самарадорлигини белгилаб берувчи омиллардан саналади. Бу борада таълим муассасаси ходимлари томонидан анча-мунча ишлар амалга оширилган. Жумладан, ўтган вақт давомида таълим муассасаси давлат тест маркази томонидан кадрлар малакасини ошириш

тимоий соҳадаги ислоҳотлар, уларни амалга оширишда «Камолот» ЁИХнинг ўрни, Ҳаракат Низоми ва Ўзбекистонда ННТлар фаолиятига оид қонунчилик каби мавзуларда машғулотлар ўтказишиди.

Ўқув жараёнини услубий йўналишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу йўналишда амалга оширилётган ишлар ўқув жараёнининг самарадорлигиги ошириш баробарида, куйи тузиулмаларнинг фаолиятини тартибиға солиш, уларнинг ишини методологик жиҳатдан ташкил этиш имконини беради.

Шу мақсадда таълим муассасасининг услубий бўлимидаги «Камолот»чилар учун турли



# Хуқуқий экспериментда ОАВ ва ННТлар фаоллиги

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 20 марта қабул қилинган «Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича хуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги фармойишига мувофиқ, Самарқанд вилоятида самарали ишлар амалга оширилмоқда.**

Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири улар билан оммавий ахборот воситалари ўртасида сифатли мулокот мухитини яратишидир. Давлат ҳокимиюти органлари ва ОАВ ўртасида ўзаро мулокот мухитининг икки муҳим хусусияти бор. Аввало, мазкур мулокот орқали давлат ҳокимиюти органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида жамоатчиликка атрофлича маълумот етказилади. Айни пайтда давлат ҳокимиюти ва жамият ўртасида ахборот ва фикр алмашиб имконияти юзага келади. Бу эса кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат бошқарувини демократлашириш, мазкур жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қиласи. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бу мулокот мухитининг ривожланиши ОАВ фаолиятининг кучайиши, фуқароларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллиги, сиёсий-хуқуқий маданияти юксалиши билан уйғун равишда амалга ошади. Фуқароларнинг давлат ҳокимиюти ва бошқарувидаги фаоллигига таъсир этувчи омиллардан бири бу — уларни давлат

ҳокимиюти органлари қабул қилаётган қарорлар, худудлар ва тармоқларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Бу давлат ҳокимиюти органлари фаолияти, унинг йўналишлари ва аҳамияти ҳақида фуқароларда тушунча-тасаввур уйғотади. Қабул қилинаётган қарорлар ва дастурлар ҳаётга самарали татбиқ этилади. Яъни давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилади. Бунда ҳокимиюти органлари таркибида ташкил этиладиган ахборот ҳизматлари мулокот мухитини яратади, томонлар манфаатларининг мувозанатини таъминлади, энг муҳими, давлат ҳокимиюти органлари фаолияти, улар қабул қилаётган қарорлар ҳақида жамият аъзоларини хабардор қилиб боради. Давлат ҳокимиюти органлари ўз фаолияти ҳақидаги ахборотларни фуқароларга етказиша ОАВга таянар экан, ОАВ ҳам самарали фаолияти юритиши учун ишончли ахборот манбаларидан фойдаланиш имконига эга бўлиши

керак. Шунда ОАВ давлат ҳокимиюти органлари фаолиятини тезкор ёритиш орқали давлат ва жамият ўртасида ишончли воситачига айланиши мумкин. Бунинг учун давлат ҳокимиюти органлари таркибидаги ахборот ҳизматлари ҳар томонлама профессионал тарзда ташкил этилиши зарур. Чунки улар давлат ҳокимиюти органларининг барча йўналишлар бўйича ахборот сиёсатини юритади.

Хорижлик экспертлар ахборот ҳизматлари мутахассислари бажарадиган вазифаларни асосий учта йўналишга ажратиш мумкин, деб ҳисоблашади. Булар ташки, ҳимоявий ҳамда ички хусусиятларга эга вазифалардир. Давлат ҳокимиюти органлари фаолиятига оид ахборотларни таҳлил қилиш ҳамда ОАВга етказиш ахборот ҳизмати ходимининг ташки вазифасидир. Бунда ахборот ҳизмати ходими воситачи ролини бажаради, ҳужжатлар ва материаллардаги маълумотларни ихчам ва ҳаммага тушнарли тарзда тайёрлайди. Давлат ҳокимиюти органлари қабул қилган қарор ёки ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, худудлар ва тармоқлар ривожидаги аҳамиятини очиб, изоҳлаб беради. Журналистлар билан ҳамкорликни ташкил қиласи, матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказади. Давлат ҳокимиюти органлари раҳбарларининг чиқишлари матнини, пресс-релизларни тайёрлайди, айни пайтда ОАВ мониторингини олиб боради. Ҳар бир ташкилотда қонун билан ҳимоя қилинадиган ахборотлар мавжуд ва айрим

ОАВ вакиллари шундай ахборотларга эга бўлишга интилади. Ахборот ҳизмати ходими эса давлат сири ҳисобланадиган бундай маълумотлар тарқалишининг олдини олади. Ахборот ҳизмати ходимининг давлат ҳокимиюти органлари таркибидаги ички вазифаси шу орган ҳамда унинг раҳбарлари фаолиятининг ОАВда ёритилиши ҳақида статистик ва таҳлилий ахборотлар тайёрлашдир. Қисқа қилиб айтганда, ахборот ҳизматлари давлат ҳокимиюти органлари таркибида ҳамда ОАВ орқали жамоатчилик билан самарали алоқа ўрнатишида кенг кўламли вазифаларни бажаради. ОАВ билан ўзаро ижобий мулокот мухитини яратиш орқали давлат ҳокимиюти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг тушунчасини бойитиб, унга нисбатан фикрларни ривожлантиради. Натижада давлат ҳокимиюти органлари фаолиятининг очиқлиги таъминланади, жамоатчилик фикри асосида давлат ҳокимиюти органлари фаолияти янада кучаяди. «Давлат ҳокимиюти органлари фаолиятининг очиқлиги таъминланади, жамоатчилик фикри» ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шериклик принциплари, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВ ролини кучайтишига қаратилган самарали хуқуқий механизмларни яратиш тўғрисида фикр-мулжалазалар билдирилмоқда.

Самарқанд вилояти ҳокимили ҳамда Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий асоцацияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фонди,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон мустақил босма ОАВни ва ахборот агентликларини қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш эамоат фонди ҳамкорлигидаги хуқуқий экспериментни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва ННТлар иштирокининг муҳим масалаларига бағишиланган илмий-амалий семинарлар ўтказиб келинмоқда.

«Давлат ижроия органлари фаолияти очиқлиги бўйича кенг ахоли ва жамоат ташкилотларини ахборот билан таъминлашда «Давлат ҳокимиюти органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг асосий мазмуни», «ННТ билан хуқуқий эксперимент жараёни субъектлари ўртасида ташкилий-хуқуқий ва ижро механизмини такомиллаштиришнинг муҳим масалалари» тўғрисида ахборот берилмоқда. Шунингдек «қонун лойиҳаси нормаларини апробациядан ўтказиш бўйича хуқуқий эксперимент ўтказиши ташкил этишда фуқаролик жамияти институтлари имкониятларидан самарали фойдаланиш» хусусида, «Ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шериклик принциплари, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВ ролини кучайтишига қаратилган самарали хуқуқий механизмларни яратиш тўғрисида фикр-мулжалазалар билдирилмоқда.

Самарқанд ва Бухоро вилоятларида синовдан ўтказилаётган қонун лойиҳаси давлат бошқаруви органларининг масъулиятини ошириб, бошқарув жараёнида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қиласи.

**Ақбар БОБОЕВ**

## Янги билимларга очилган эшик

**Халқимизда тил билган — эл билади, деган мақол узоқ йиллардан бўён оғиздан оғизга ўтиб келади. Бу бежиз эмас. Зеро, бу ҳикмат замирида тил ўрганишга ундаш, шу орқали янги билимларни эгаллашдек ҳайрли мақсад мажассам. Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу мақсадни рўёбга чиқариш йўлида муҳим қадам бўлди. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

Айни пайтда вилоятда жами 1618 нафар, жумладан, 1316 нафар инглиз тили, 226 нафар немис тили, 76 нафар француз тили ўқитувчиси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг таҳрибасини ошириш, хорижий тилларни ўргатишнинг замонавий усул ва технологияларидан хабардор қилиш мақсадида изчил ишлар қилинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг апрель-сентябр ойларида ташкил этилган махсус малака ошириш курсларида сурхондарёлик 1384 нафар ўқитувчи тажриба ва кўнгималарини ошириди. Шунингдек, 1-синфларда чет тили (инглиз тили) машгулотларини олиб бориш учун белгиланган тадбирлар асо-

сида 833 та ўкув хонаси ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Вилоятнинг Қизириқ туманида чет тили муаллимларининг билим ва малакасини ошириш баробарида, мактаблар мультимедиа воситалари, чет тилини ўргатиш бўйича электрон ресурслар билан таъминланиб, инглиз тилини ўрганишнинг узлуксиз тизими ташкил этилди.

— Туманимизда инглиз тилини ўрганиш умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи синфдан ўйин, оғзаки нутқ дарслари шаклида олиб борилади. Иккинчи синфдан бошлаб эса алифбони ўқитиш ва грамматикани ўзлаштиришга босқичма-босқич

ўтилади. Мактабларимизнинг барча сида инглиз тили хоналари ташкил этилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди, — дейди Қизириқ тумани ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири ўринbosари Эшқурон Чоршанбиев.

Тизимда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида тумандаги Баҳтигул Бўтаева директорлик қилаётган 14-мактабда бўлиб, 1-синфлардаги инглиз тили ўқитилиши методикиси билан танишдик. Мактабдаги инглиз тили хонаси проектор, монитор, телевизор, DVD-плеер, компьютер ва бошқа зарур ўкув ускуналари билан таъминланган. Ўқувчиларнинг инглиз тилини пухта ўзлаштиришлари учун барча шароитлар мухайё.

Тизимда амалга оширилаётган бу каби ижобий ишларни вилоятнинг Шеробод тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда мазкур туман ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасаруфида 68 та умумий ўрта таълим мактаби ва битта инглиз тилига ихтисослаштирилган мактаб-интернат мавжуд. Тумандаги

барча ўкув масканларида 1-синф ўқувчилари учун чет тили хоналари ташкил этилиб, уларда компьютер, проектор, телевизор, DVD-плеер ва бошқа ўкув кўргазмали қуроллар тўплами мавжуд.

— Бугун юртимизда ёш авлодга чет тилларни ўргатишга катта эътибор қаратиляпти, — дейди Шеробод туманидаги 1-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси, ҳалқ таълими аълочиси Муҳабат Рўзиқулова. — Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитувчилар малақаси оширилиб, уларга устама ҳақлар тўлланяпти. Бу рафбат биз, ўқитувчиларнинг янада фаол, таълимнинг замонавий технологияларидан фойдаланиб дарс ўтишимизда мухим аҳамият касб этади.

Юртимизда ёш авлод камолотига қаратилаётган бундай эътиборни барча соҳаларда кўриш мумкин. Бундан кўзланган мақсад ўзбек ёшларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улгайишлари, замонавий билимларни пухта ўрганишлари учун муносиб шароит яратишдир.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
«Turkiston» мұхбери**

# Устозлар тажрибаси – ёшларга қанот

Оққурғон тума-  
нидаги 13-мак-  
табда 320 на-  
фардан зиёд  
үқувчиларга 28  
нафар ўқитувчи  
қалб құры, мәхр  
билин сабоқ  
бераяпты.

Мактабда ташкил этилген шарт-шароитлар, үқувмоддий базалың мустахкамлаб борилаётгандығы таълим самардорлығын янада оширишда күл келмоқда. Үқув ишлари, асан, кабинет тизимида олиб борилади. Физика, киме ва биология фанлари бүйічесінде үқув-лаборатория хоналары түлиқ жиҳозланған. Информатика хонасидеги барча компьютерлар интернет ва Ziyonet тармоқтарынан үланған.

Хозирда 19 та фан ва спорт түгәраги мұнтазам ишлаб турибди. Үқувчиларнинг фан түгәракларында фаол қатнашаётгандығы эса улар иқтідорларини сайқаллашда мұхым омил бүлмоқда. Айниқса, мактаб үқувчиларының фан олимпиадалардагы мұносиб иштироки эътироғға лойик.

Мактабнинг 8-сinf үқувчесі Дилрабо Рискулова она



тили ва адабиёт фаны бүйінча билимлар беллашувининг туман босқындағы галиб чиқып, вилютта иккінчи үринни әгаллаган бўлса, фан олимпиадаларида 9-сinf үқувчеси Шахноза Эргашева физика фаны бүйінча, 8-sinf үқувчеси Дилноза Эснова эса ҳуқуқшунослик фаны бүйінча туман босқында иккінчи үринни күлгага киритди. Ушбу ютуқларнинг күлгага киритилишида уларнинг устозлари Роза Жиянова, Дилором Бобоёрова ва Шукрат Тошқұловнинг ҳиссеси каттадыр.

Энди иш бошлаган ёш ўқитувчилар учун үқув-тарбиявий ишлар бүйінча үринбосар Мавлуда Раҳмонова,

маънавий-маърифий ишлар бүйінча үринбосар Раъно Боймоқованинг катта тажрибага эга эканлиги күл келмоқда, – дейди мактаб директори Айвар Мирзаев. – Уларнинг тажрибаси ибрат мактаби бўлиб хизмат қилипти.

Дарҳақиқат, мактабда устозлар тажрибаси ёшларга қанот бағищаламоқда. Бу борада «Устоз-шогир» анъансининг үйлуга қўйилганлиги ҳам аҳамиятлидир. Мактабдаги илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаси доимим оммалаштириб борилади. Айни бир вактнинг ўзида инглиз тили хоналари ташкил этилиб, 14 номдаги зарур жиҳозлар билан

таъминланған. Биринчи синф үқувчилари учун ажратилган үқув ва ўйин хоналаридаги ўзига хос жиҳозлар дарҳол ётиборни тортади.

Мактабда оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга кўйилган. Ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан доимий мулокотда бўлиш одат тусига кирган.

Ибратли анъаналардан бири шуки, мактаб үқувчилари ва ўқитувчилар учун алоҳида либос тайёрланган. Кийиниш маданиятига қаттыйрио қилиш жамоарнинг кундалиқ одатидир.

**Ашурали БОЙМОРОД,**  
«Turkiston» мұхбири

## ПУРПЛИКЛАР

Сен бойлик түплама, үйқұн дур — илм,  
Бойлик бу — ўтқинчи, мангуудир илм.  
Хою-ҳавасларнинг охир бўлмас,  
Уларга инсоннинг жангирип илм.

\* \* \*

Осмонга туфлама, юзингга қайтар,  
Ёмонлик айлама, ўзингга қайтар.  
Яхшилик қиласвер, сенга қайтмаса,  
Ўзингга қайтади, қизингга қайтар.

\* \* \*

Бир дараҳт ўстириши жуда катта баҳт,  
Балки ҳайкал бўлар сенга шу дараҳт.  
Довруғинг ёяди олис элларга,  
Номинги нақи айлар сонсиз дилларга.

\* \* \*

Лаҳзани қадрла — кунинг шод ўтгай,  
Кунларни қадрла — умринг шод ўтгай.  
Демакким, қадрига етсанг умрнинг,  
Сени унутмаслар — юртинг ёд ётгай.

\* \* \*

Ҳаёт гўзал, қараб қўзинг тўймайди,  
Шунга лойиқ яшамасанг бўлмайди.  
Ўнрак олсин ҳаётингдан кўтчилик,  
Хато қилар — ким бошқача ўйлайди.

\* \* \*

Отиңг ўғра бўлса, ўлда қолмайсан,  
Сарбон доно бўлса, чўлда қолмайсан.  
Элнинг дарди билан яшасанг мудом,  
Бир четда қолмайсан, сўлда қолмайсан.

**БОЛАЛИК**

Бегубор болалик, бегидир күнлар,  
Юлдуз санаб ўтган осуда түнлар,  
Әсласам юрагим ҳатриқиб борар,  
Үнуммам у күнлар ёдимда бары,  
Ғанимат умримнинг қайтмас баҳори.

Илк сөвги қалбимда порлаган қүёши,  
Бокира туйғудар дилимга ўйлоди,  
Ойдин кечаларга сирим этдим фоши,

Үнуммам у күнлар ёдимда бары,  
Ғанимат умримнинг қайтмас баҳори.

Буғун эса мана бошда оппоқ қор,  
Ешилк орзуларим эслайман тақрор.  
Сен-чи, үнумтингми, малагим, дилдор,  
Үнуммам у күнлар ёдимда бары,  
Ғанимат умримнинг қайтмас баҳори.

Мен эса ташрифине ҳамон кутаман,

Умид-ла юраман, ҳар он кутаман,  
То тирикман мадҳине күйлаб ўтаман,  
Үнуммам у күнлар ёдимда бары,  
Ғанимат умримнинг қайтмас баҳори.

**Мұхаммад МАЛИК,**  
Тошкент молия институти  
қошидаги молия академик лицейи  
ўқитувчеси, физика-математика  
фанлари номзоди, доцент

## Туроб НИЁЗ



### Тараққиёт мўъжизаси

Япониянинг «Nissan» автоконцерни ўзининг «Nissan Leaf» моделининг янгиланган версиясини тақдим этди.

Янги автомобилнинг устунлиги унинг ҳайдовчисиз ҳаракатланишидадир. Мамлакатда ўтказилган кўргазмада бир неча чорраҳали йўл макети курилди. Буткул автопилот бошқарувидан бўлган автомобиль белгиланган манзилга етгунча тўсиқларни айланниб ўтиш билан бирга, керакли жойларда тўхтади. 2007 йилда асос солинган бу моделга экологияга энг кам зарар етказадигандвигател ўрнатилиган. Орадан уч йил ўтиб, «Nissan Leaf» дунёда энг кам чиқинди чиқарадиган автомобиллар орасида етакчи бўйли олди. Корпорация мутахассисларининг сўзларига кўра, 2020 йилга бориб «Nissan»нинг барча автомобиллари автопилот билан тўлиқ таъминланади.

### ЖАЗОСИ ТАЙИН

Испанияда йигирма иккى ёшли Хуан Мануэл Моралес мамлакатдаги университетларнинг бирида теракт оширишга урингани учун Пальмаде-Майорка суди томонидан тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Маълумотларга қараганда, жиноятчи айбини тан олгани туфайли унга нисбатан шундай, яъни анча енгил жазо кўлланилган. У бир йил муқаддам ижтимоий тармоқда 140 килограмм портловчи модда харид қўлгани ҳақида гаплашгани сабабли кузатувга олинган эди. Орадан маълум вақт ўтиб, Моралес кўлга олинди. Иттитинг кундалиги текширилганда, амалга оширишни мақсад қўлган гарразли ниятлари битилган эди. Шунингдек, Моралес бир қанча ноконуний сайлар яратишда ва мактаб ёшидаги боалаларни ўз мақсадлари йўлида ишлатишда ҳам айбланди.

### ВАҚТИДА

#### ТҮГРИЛАНМАГАН ХАТО

Хитойнинг Сиань шаҳрида режасиз қурилган кўпқаватли ўй машина ўйуни тўсиб қўйди.

Кўпол хато маҳсули саккиз чизиқли автомагистрал ўйлининг нак ярмини әгаллади. Архитекторлар эса уйни тез топширишни талаб қўлгани учун хукуматни айблади. Хукумат эса уй бузилмаслигини эълон қилинди. Сабаби бундай катта уйни бузиб қайта куриш катта маблагни талаб этади. Шаҳар судининг сўзларига кўра, бундай ҳол олдин кузатилмагани боис, курувчиларга ва лойиҳанинг масъул шахсларига нисбатан жазо кечиқтириб эълон қилинди. Бу воқеаларга қўшни ўйда яшовчилар ҳам аралашди. Улар нокурайлик сабабли хукуматдан компенсация талаб қилиши.

#### БЕКХЭМ ҲАМОН ЕТАКЧИ

Таниқли футболчи Дэвид Бекхэм ўзи яшаб турган уйни ўн иккى миллион фунт стерлингга сотди.

Футболчининг 1999 йилда 2,5 миллион фунтга сотиб олган «Rowneybury» саройи беш гектар майдонни әгаллаган. Саройда вертолёт кўниши учун майдонча, овоз ёзиш студияси, спортзал, теннис корти, ёзги ва қишики басейнлар мавжуд. Ислим ошкор этилмаётган харидор саройга кўшиб бир неча спорт машинаси ҳамда Бекхэмнинг Франциядаги уйини ҳам олади. Маълумотларга қараганда, Бекхэм Лондондан 45 миллион фунтга уй олишини режалаштирган. Хозирга қадар Бекхэм энг бойвачча футболчи мақомини ҳеч кимга бермай келяпти.

Интернет манбалари асосида  
Жавохир КАРОМАТОВ тайёрлди



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 221-мактабда бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида илғор педагогик услублар асосида дарс ўтиш анъянага айланган. Мұхаббат Жумаева ўзи раҳбарлик қилаётган синфда дарсларни жуда қызықарли тарзда ўтади.

**СУРАТДА:** Мұхаббат Жумаева ўқувчилари билан янги мавзууни муҳокама қилмоқда.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотоловхаси

2013-yil – Obod turmush yili

## БОЛАЖОНЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

«Sen Yolg’iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги билан ҳамкорликда Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш бошланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча болаларнинг хуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, турли хавфли ва юқумли хасталикларга чалинишининг олдини олиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

«Sen Yolg’iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси отона меҳридан бебаҳра қолган болаларнинг саломатлигини доимий назорат этиб

бориши, уларда учраши эҳтимоли бўлган хасталикларнинг ўз вақтида олдини олиш, даволаш-профилактика ишларини тобора кучайтириш юзасидан кўплаб ижтимоий акциялар, хайрия тадбирларини муваффақиятили амалга оширилмоқда. «Обод турмуш йили» давлат дастури доирасида юрак, умуртқа погонаси, лаб-танглай кисмида хасталиги бор, кўриш, эшитишида нуқсони бўлган ўғил-қизларни мурракаб пластик жарроҳлик йўли билан даволашга оид

тошкент педиатрия тиббиёт институтининг клиникасида жорий йилнинг 20 октябринча давом этадиган диспансеризация давомида педиатр, жарроҳ, отоларинголог, офтальмолог, стома-

толог, болалар гинекологи, ортопед-травматолог, болалар уролог-андрологи, психоневролог, эндокринолог ва бошқа мутахассислар томонидан чуқурлаштирилган кўрик ўтказилмоқда. 7 ёшдан 15 ўшгача бўлган болаларни қамраб олган ушбу тиббий кўрик давомида ультратовушли ташхис қўйиш, қон тахлили, электрокардиограмма жараёни, юрак, буйрак, жигар, ўт қопини замонавий тиббий усуналарда текширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жами 2500 нафар ўғил-қизни қамраб олувчи диспансеризация натижаларига кўра болалар учун тиббий даволаш, коррекцион муолажалар ўтказилиши кўзда тутилган.

**Н.УСМОНОВА,**  
ЎЗА мухбири

## Ўсмирларимиз мұваффақияти

Ўзбекистоннинг ўн тўққиз ўшгача бўлган ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати «А» саралаш гурухининг тўртингич турнида хиндистонлик тенгдошлари устидан йирик — 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Утрашувда Сардорбек Азимовнинг аниқ тўп узатишлари натижасида Аслиддин Абдиев дублга эришиди. Бобур Давлатов ҳам Хиндистон ўсмирлар терма жамоаси дарвозабонини ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишига мажбур қилди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси шу вақтга қадар гурухда мағлуб бўлмади. Айни пайтда гурухда етакчилик қилаётган Қатар ва Ўзбекистон гурухда тўққиз очко жамғарган бўлса-да, тўплар нисбатига кўра Қатар олдинда. Ҳар иккала жамоа ҳам ўз дарвозасидан тўп олиб чиқмади. Саралаш босқичининг навбатдаги учрашувини Ўзбекистон ўсмирлари терма жамоаси Қатар терма жамоасига қарши бугун ўтказади.

## Камта мусобақа олдинда

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида 14-26 октябрь кунлари бокс бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Мусобақада 116 мамлакатдан 576 нафар боксчи ўн вазн тоифасида куч синашади. Терма жамоамиз бош мураббийи Марс Кўчкоров. Юртимиз шарафини Ҳасанбой Дўстматов (49 килограммгача вазн тоифасида), Жасурбек Латипов (52 килограммгача), Шаҳриёр Исоков (56 килограммгача), Фазлиддин Гоипизаров (60 килограммгача), Санжар Раҳмонов (64 килограммгача), Хуршид Норматов (69 килограммгача), Азиз Абдуғофуров (75 килограммгача), Ойбек Мамазулунов (81 килограммгача), Рустам Тўлаганов (91 килограммгача), Мирзоҳид Абдуллаев (91 килограммдан юқори) каби спортчиларимиз химоя қиласди.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## TABASSUM

### ҚИШДА ҲАМ ЎСАДИ

Қизиқувчан Собиржон онасидан сўради:  
— Ойи, қишида ҳам олма, узум, анорлар ўсадими?

— Йўқ, — деб жавоб берди онаси. — Болал, қишида уларнинг фақат нархи ўсади.

### ИККИ «ДЎСТ» УЧРАШДИ

Икки ялов учрашиб қолди. Биринчиси сўради:  
— Кун бўйи ётавериш жонингта тегиб кетмайдими?  
— Нега энди? Ағанаб ҳам турман...

### YON DAFTARCHANGIZGA

Дангасага иш буюрсанг,  
Отангдан ортиқ насиҳат қиласи.

**Ўзбек ҳалқ мақоли**

↓	Ел, шабада	↓	Бояқиши, шўрлик	↓	Тирюк бүсени	↗	↓			Бугдай поясни	→	↓				
↗				Кўй подаси, сурув	Улуғбек... (шоҳ ва олим)			Болтаева (актриса)	Орқа (синоним)		АҚШ тўғиси			Ракам, саноқ, номер	Идора, маҳкама	Мимик ҳаракат
	Цирк майдони		Кўзой-накли илон	→	↓			... Несин (ҳажвчи)	↗	↓			↓	Катъий қарор		
↗			Суғорил-майдиган экинзор		Асал-нинг ҳам ... ширин	→			Жусса, гавда, вужуд		Туйғу, сезги	→			Шаън	
Вулоқон оғзи	Матҷон (шоир)		Шаттелье (кимёгар)	↓	базза	→		... фар, нар...	... сотик, тижорат	Ёруғлик, шульба				Заряди молекула		
↓																

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАПИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигига 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
били рўйхатдан  
ўтган.



### Бош мұхаррир:

Ашурев Салим Тўраевич

### Таҳир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукуров (бош мұхаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош мұхаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи мұхаррир:

Худойбердиева  
Дилбар  
Эркиновна

### Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчи, 41.

Индеклар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1043.  
Адади — 8113  
Босиша топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 21.30  
ЎЗА якуни — 20.55

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6